

---

# ЖИНОЯТЧИЛИК ВА ҚОНУНБУЗАРЛИКЛАР ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Жиноятчилик ва қонунбузарликлар динамикаси таҳлили ва муҳокамаси ўтказилди

Жиноятчиликни олдини олишдаги қилинган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериши билан ҳам аҳамиятлидир. Айтиш мумкин, асосийда туман маҳаллаларида ўтказилаётган очиқ мулоқотлар айтиш мумкин долзарб мавзуга бағишланган.

Истиқлол маҳалласида жойлашган туман маданият марказининг мажлислар залида Ровон ҳамда Истиқлол маҳаллаларининг фуқаролари иштирок этдилар. Туман ҳокими Сайидбаҳром Сайидмусаев ва 2-сектор раҳбари, туман прокурори Садирали Мирзокаримовлар қатнашган мазкур учрашувда ҳудуддаги ҳолат таҳлил ва муҳокама этилди.

Учрашув давомида раҳбарлар томонидан бир жиноят келиб чиқишининг олдини олишда фақатгина ички ишлар органи инспекторлари эмас, балки кенг жамоатчилик биргаликда, келишилган ҳолда ҳамжиҳатлик ва мустақкам ҳамкорликда ҳаракат қилишлари лозимлиги қайд этилди. Тадбир давомида 2023 йилда 2-сектор ҳудудида жиноятчилик ва қонунбузарликларнинг динамикаси таҳлил қилинди.

- Жиноятни олдини олинишида мустақкам ҳамкорлик ўз самарасини бериши аниқ, чунки ҳар бир иш ҳамжиҳатликда ва ҳамкорликда қилинади, - деди туман ҳокими ўз сўзларида. Жиноят содир этганларга албатта жазо муқаррар эканлиги тадбирда алоҳида таъкидланди.

Жиноятчилик таҳлили ва муҳокамаси билан биргаликда аҳоли муаммо ва камчилкларини ҳам ўрганилди. Барча муаммо ва камчилликлар ўрганилганлиги ва унинг ижроси юзасидан “Йўл харитаси” тузилганлиги ҳусусида туман прокурори ўз фикрларини изҳор этди.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook | Telegram | Telegram murojaat | Youtube | Instagram](#)

2024-02-16 15:44:04